

**ОИЛА ТАРБИЯСИ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Коптилеуова Венера Бахитовна**

*НМПИ Педагогика ва психологич факультети, Педагогика теорияси ва тарихи таълим йўналиши 2 курс магистранти*

Ҳар бир оила бола тарбиясини тўғри ташкил этишда ва соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришида ота-оналарнинг мазкур масалалар бўйича зарур психологик ва педагогик билимларга эга бўлишларини талаб этади. Чунки инсоний муносабатлар оиладан, оиладаги муҳитнинг бола тарбиясида ўчмас из қолдиришидан бошланади. Оила ва ундаги муҳит ижтимоий-психологик омиллардан бири бўлиб, бу муҳитнинг таркибий элементлари бўлган оила аъзоларининг ўзаро муомала маданияти, уларнинг ҳаётдаги фаолликлари ва шунга алоқадор кўникмалар оилада улғаяётган болага ўз таъсирини кўрсатади.

Болалар тарбиясидаги аксарият муаммолар ота-оналарнинг ўзаро зиддиятлари, фарзандлари билан носоғлом муомала, уларга нисбатан нотўғри муносабатларининг болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида келиб чиқади. Бугунги кунда бола эътиборини жалб қиладиган кўп нарсалар бор: компьютер, интернет, уяли телефон, телевизор ва ш. к. Агар ота-она қаттиққўллик қилиб, тақиқласа, боланинг уларга қизиқиши кучайиб, ота-онасига қарши кайфият уйғониб бораверади.

Психологларнинг амалий фаолиятида кўп учраётган долзарб масалалар қаторида ота-онанинг ўз фарзандларидан шикоятни ёки айрим ҳолларда эса, бунинг акси, яъни фарзанднинг ота-онасидан шикоятни бўйича маслаҳатлар сўрашлари кўп учрашини кўрсатиш мумкин. Фарзанд 14-15 ёшга тўлганда ота-онаси томонидан «сен отанга ўхшабсан ёки сен онанга тортибсан», деган шакллардаги камситиш ҳоллари нисбатан ортиб бормоқда. Педагогик, психологик асосланган тарбия жараёнида эса, тарбияланувчиларни камситиш асло мумкин эмас! Чунки, бола ота-онаси томонидан қаттиққўллик билан ҳақоратланса, калтакланаверса, унда ота-онасига қарши ҳимоя реакцияси шаклланиб қолади. Бундай бола ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, шубҳаланадиган, қатъий фикрга эга бўлмаган, келажакда ўз йўлини ўзи белгилай олмайдиган ҳолатга тушиб қолиши мумкин.

Айрим ота-оналар ўз фарзандларидаги ювошлик, уятчанлик, камгаплик хусусиятларини нотўғри баҳолаб, бундай хусусиятларни бугунги кун талабига жавоб бермайдиган хислатлар деб, ўз фарзандларини камситишлари ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ювош бола ёлғизликни яхши кўради, шовқинли ўйинлардан ўзини олиб қочади. Бундай ҳолатда бола психологиясида нималар кечаётган экан, деган савол туғилади; агар бола ортиқча эътиборни талаб қилмаса, муаммолар йўқ дегани эмас. Аслида эса, бундай фарзандлар ота-оналари, яқин қариндошларининг эътиборсизлиги, улар билан етарлича мулоқот учун вақтлари етишмаслиги каби ҳолатлар туфайли мулоқот танқислигига учраган бўладилар. Бундай ҳолларда

камгап, ювош болалар жанжал, бақир-чақир билан ҳам бошқалар эътиборини қарата олмайдилар. Ота-оналар эса, боладаги бу ҳолатдан мамнун ҳолда ўз ишлари билан кўпроқ банд бўладилар ва вақтида англаш зарур бўлган айрим камчиликлардан беҳабар қоладилар.

Бундай характерда ўсган бола ўсмир ёшига етганида ҳам ўз тенгдошлари орасида камгап бўлиб, унда ўзаро муносабатлардан қоникмаслик ҳисси шаклланиб боради. Бунинг натижасида эса, унда компьютер, интернетга тобелик ҳолатлари кузатилади. Бу масалага алоҳида эътибор билан қараладиган бўлса, бундай ҳолатдаги ўсмир ота-онаси, ака, опаси ёки ўртоқларига айтолмайдиган гаплари, фикрларини интернетдаги танишув сайтларида орттирган дўстлари билан ўртоқлашади. У компьютер билан мулоқот жараёнида ўзини яхши ҳис қилади, яъни ундаги тортинчоқлик, уятчанлик, камгаплик йўқолиб, уларнинг ўрнига янги дўстлар орттириш, улар билан тез-тез мулоқотга киришиш кучаяди. Чунки, ўсмир ёшдаги болани унинг ҳис-туйғулари кўпроқ бошқаради.

Боланинг дунёқараши ҳали чегараланган, ҳаётий тажрибаси камлиги, фикрлаш услуби ҳам ўзига ҳослиги учун, у дунёни ўзгача кўз билан кўради, унинг ўз атрофидаги воқеаларни идрок қилиши ва баҳолаши ҳам ўзгача бўлади. Шунини эътиборга олган ҳолда ҳозирда долзарб бўлган таълим-тарбиявий вазифаларни бажариш учун ота-оналарда оила тарбияси психологияси бўйича тегишли билим ва кўникмаларни шакллантириш ва малакали мактаб амалиётчи психологлари билан биргаликта ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кун юқорида айтиб ўтиладиган масалалар бўйича халқ таълими тизимида бир қанча чора-тадбир дастурларини ишлаб чиқиб, жойларда профилактик ишларни ҳам олиб бормақда. Шундай бўлса ҳам мавжуд масалаларнинг психологик жиҳатида эътибор берадиган бўлсак ҳали яна қатор ишларни амалга оширишни биз мутахислар ўз зиммамизга оламиз.

Дарҳақиқат, мактаб таълимининг пойдевори ҳисобланмиш ушбу даврда ўқувчи илмлар дунёсига ошно бўлади, маълум маънода ўқишга бўлган муносабати, дунёқараш тушунчалари таркиб топади. Нафақат интеллектуаллик, балки маънавий-маданий нуқтаи назардан ҳаётий тажрибалари кенгайиб боради. Бу сингари вазифаларнинг самарали ҳал қилиниши, шубҳасиз, халқ таълимида фаолият кўрсатаётган мактаб амалиётчи психолог маҳоратининг шаклланганлик даражасига боғлиқ. Мактабда ўқитувчи ўз шогирдларини билимли, зукко қилиб тарбиялайди, уларга гўзал орзулар мамлакатига саёҳат қилишни, умид-истакларини реал мақсадларга айлантириш ва ҳаёт аталмиш бетакрор оламда юксакликка парвоз қила олиш каби ҳар бир ақл ва онг соҳиби ҳисобланмиш инсонга хос бўлган яшаш сирларидан ҳам боҳабар қилиши даркор. Қолаверса, мактаб ўқувчилари инглиз тилини ўрганиш, компьютерда ишлаш кўникмаларини шакллантириш каби бир қатор талаблар ҳам қўйилмоқда. Шу боисдан ушбу қўлланмада мактаб психологияси, ўқувчилар психогигиенаси ва мактаб муҳитида содир бўладиган ҳар қандай

ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалий психологик ёрдам беришни назарда тутганмиз.

**АДАБИЁТЛАР:**

- 1) Қурбонов Турсунали. Ота бўлиш осонми ёхуд ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий-педагогик асослари. – Т.: Маънавият, 2007. – 216 б.